

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2025 йил "23" июндаги
180-сонли буйруғига
илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

**Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий- амалий
тиббиет маркази**

«Туғма пневмония»

нозологияси бўйича миллий клиник протоколи.

ТОШКЕНТ 2025

«ТАСДИКЛАЙМАН»
Тиббиёт ҳодимларинг касбий
малакасини ривожлантириш
маркази директори
Х.А. Ажилов

« » 2025 йил



«ТАСДИКЛАЙМАН»
РИПИАТМ директори
А.А. Абдукаюмов

« » 2025 йил

«Тугма пневмония»

нозологияси бўйича миллий клиник протоколи

ТОШКЕНТ 2025

Мундарижа

«Туғма пневмония» нозологияси бўйича миллий клиник протоколи.....	5
«Туғма пневмония» нозологияси бўйича ташхислаш миллий клиник протоколи	11
«Туғма пневмония» нозологияси бўйича даволаш миллий клиник протоколи	16
Адабиет.....	21
Иловалар	29

1. КИРИШ ҚИСМИ

Туғма пневмония (ТПн) - анте ва/ёки интранатал даврда инфицирланиш оқибатида ўпканинг респиратор қисмларининг ўткир шикастланиши ва бола ҳаётининг биринчи 72 соат ичида клиник - рентгенологик кўринишлари билан кечадиган инфекциялиғланиш касаллигидир.

1.1 ХКТ-10 бўйича кодлар

- P23 Туғма пневмония
- P23.0 Вирусли туғма пневмония
- P23.1 Хламидиялар келтириб чиқарган туғма пневмония
- P23.2 Стафилококклар келтириб чиқарган туғма пневмония
- P23.3 В гурухли стрептококклар келтириб чиқарган туғма пневмония
- P23.4 E. coli туфайли туғма пневмония
- P23.5 Pseudomonas туфайли туғма пневмония
- P23.6 Бошқа бактериал агентлардан келиб чиққан туғма пневмония
- P23.8 Бошқа патогенлар туфайли туғма пневмония
- P23.9 Аниқланмаган туғма пневмония

ХКТ-11 бўйича кодлар [<https://icd.who.int/browse/2024-01/mms/ru>]:

1.2. Ишлаб чиқиш ва қайта кўриш санаси: 2024 йил ва қайта кўриш 2027 йил ёки янги ишончли кўрсатмалар пайдо бўлиши билан боғлиқ. Барча ўзгартиришлар ва тавсиялар ушбу хужжатда акс эттирилади

1.3. Ушбу протоколни ишлаб чиқишда маъсул: Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий амалий тиббиёт маркази, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази

1.4. Ушбу клиник протокол ва стандартни ишлаб чиқаришда иштирок этганлар:

1. Салихова К.Ш., т.ф.д. РИПИАТМ, Неонатология илмий бўлими раҳбари
2. Ахмедова Д.И. т.ф.д., профессор ТошГПИ Госпитал педиатрия-2 халқ таъбири билан кафедраси мудири
3. Насирова У.Ф., т.ф.д. ТХКМРМ илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари, неонатология кафедраси мудири
4. Раҳманкулова З.Ж., т.ф.д., профессор ТошПТИ неонатология кафедраси
5. Алимов А.В., т.ф.д., профессор ТХКМРМ неонатология кафедраси
6. Касимова Н.А., т.ф.н. РПМ директор ўринбосари
7. Усманова М.Ш. РИО ва БСИАТМ ТШФ

1.5. Муаллифлар рўйхати:

1.	Абдурахманова Ф.Р., т.ф.н.	РИПИАТМ, ОКЕТЧП бўлими мудири
2.	Агзамходжаева Б.У. т.ф.н.	РИПИАТМ, Неонатология бўлимини к.и.х.
3.	Саидмуродова Г.Ж.	РИПИАТМ, ЧРИТ бўлими мудири
4.	Латипова Г.Г., т.ф.н.	ТХКМРМ, неонатология кафедраси доценти
5.	Саидумарова Д.С.	ТХКМРМ неонатология кафедраси ассистенти
6.	Алимова Р.П., т.ф.н.	РИО ва БСИАТМ, неонатология бўлими мудири

1.6. Рецензентлар:

1. Дильмуродова К.Р, т.ф.д., профессор СамГУ, Дипломдан кейинги таълим неонатология курси билан кафедраси мудири
2. Хасанова С.С., т.ф.д. Европа тиббиёт университети педиатрия кафедраси мудири

1.7. Тахрирлаш ва техник баҳолаш экспертлари:

1. Шамансурова Э.А. т.ф.д., профессор ТошПТИ 1 сонли оилавий тиббиёт, жисмоний тарбия ва фуқоролар муҳофазати кафедраси мудири
2. Файзиев А.Н., т.ф.н., доцент ТошПТИ 1 сонли оилавий тиббиёт, жисмоний тарбия ва фуқоролар муҳофазати кафедраси

1.9. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббий суғурта агентлиги мутахассислари

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Баситханова Э.И., Тиббий суғурта бошқармаси бошлиғи Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бош мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларининг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чиқилган.

1.10. Клиник протокол фойдаланувчилари: Мақсадли гуруҳ: неонатологлар, педиатрлар, оилавий шифокорлар, тиббий олийгоҳлар талабалари, магистрлар, клиник ординаторлар ва аспирантлар. Ушбу протокол янги туғилган чақалоқларда туғма пневмонияни ташхислаш ва даволаш фаолиятини олиб борадиган шифокорларга мўлжалланган.

1.11. Беморлар категорияси: Туғма пневмонияли муддатида ва муддатидан олдин туғилган чақалоқлар.

1.12. Қисқартмалар рўйхати

АБ	артериал босим
ААР	The American Academy of Pediatrics (Америка Педиатрия Академияси)
АБТ	Антибактериал терапия
БЎД	Бронх- ўпка дисплазияси

ВАП	Вентилятор ассоцияланган пневмония
ГЁ	гестацион еш
СЎВ	Сунъий ўпка вентиляцияси
КИХ	кислота-ишқор ҳолати
ТМ	Тиббиет муассаса
ТПн	Туғма пневмония
ЖКВ	Жуда кам вазн
Ч ва КВЧПБ	Чақалоқлар ва кам вазнли чақалоқлар патологияси бўлими
НСГ	Нейросонограафия
МНТ	Марказий нерв тизими
НОС	Нафас олиш сони
ЮУС	Юрак уриш сони
ЭКВ	Экстремал кам вазн
ХИИ	Хомила ичи инфекцияси
ХКТ-10	10-чи Халқаро Касалликлар Таснифланиши
ЧРИТ	Чақалоқлар реанимация ва интенсив терапияси
ҚҚҚ	Бош миёда қоринчалар аро қон қуйилиши
ЎЮЧОВ	Ўпкани юқори частотали осциллятор вентиляцияси
СРАР	continuous positive airway pressure/ респиратор терапия усули
INSURE	Сурфактант юбориш усули ((INtubate-SURfactant- Extubate)

**Далилларнинг ишончлилик даражасини баҳолаш шкаласи
(диагностик аралашувлар учун)**

1	Референс усул ёрдамида назорат остида ўтказилган тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари ёки мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли шарҳи
2	Референс усул назорати билан ўтказилган айрим тадқиқотлар ёки айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши, мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши бундан мустасно
3	Референс усул ёрдамида изчил назоратсиз ёки ўрганилаётган усулдан мустақил бўлмаган референс усул ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар ёки рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан, когортли тадқиқотлар
4	Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат тавсифи
5	Муолажанинг таъсир механизми асослари ёки экспертлар хулосаси

**Тавсияларнинг ишончлилик даражасини баҳолаш шкаласи
Тавсияларнинг ишончлилик даражаси**

A	Кучли тавсия (барча кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки

	қониқарли ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилган)
В	Шартли тавсия (айрим кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, айрим тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва/ёки қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган)
С	Кучсиз тавсия (сифатли далиллар келтирилмаган (кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгалламайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати паст ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган)

2. АСОСИЙ ҚИСМИ

2.1. Касаллик эпидемиологияси

Туғма пневмония - турли микроорганизмлар чақирадиган ўлим хавфи юқори бўлган нафас йўллариининг жиддий инфекцион патологияси. 1/3 ҳолатларда туғма пневмония неонатал сепсиснинг бир қисми бўлиши мумкин (Sourabh Dutta, Neonatal pneumonia. Journal of neonatology. Vol.21, №3, 2007).

Туғма пневмония учраш частотаси 1-35% ташкил қилади (Friedrich Reiterer, Neonatal pneumonia, 2013), 1% муддатда ва 15% муддатидан олдин туғилган чақалоқларда ривожланади. Эрта бошланган пневмониялар (0-3 кун) тирик туғилганларнинг 0,5% да учрайди (Thomas Hansen et al., Neonatal pneumonia, Chapter 56 from Avertys diseases of newborn, 8 ed, p.648-662). Ушбу касаллик бутун дуне бўйлаб янги туғилган чақалоқлар ўлимининг 10-25% ташкил қилади (Roger G Faix, Congenital pneumonia, 2009).

2.2. Касалликнинг этиологияси ва патогенези

Туғма пневмониянинг кўзғатувчилари қуйидагилар:

- **бактериялар:** *Escherichia coli*, *Enterobacter aerogenes*, *Klebsiella spp*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Group B Streptococcus*, *Staphylococcus epidermidis*, *Staphylococcus aureus*, *Haemophilus influenza*, *Klebsiella pneumoniae*, *Pneumococcus*

- **атипик кўзғатувчилар:** *Chlamydia trachomatis*, *Ureaplasma urealyticum*, *Mycoplasma hominis*, *Mycoplasma pneumoniae*, *Listeria monocytogenes*, *Treponema pallidum*, *Micobacterium tuberculosis*

- **вируслар:** *Herpes simplex virus*, *Cytomegalovirus (CMV)*, *Respiratory syncytial virus*, *Rubella*

- **замбуруғлар:** *Candida spp.*

Туғма пневмония ривожланишида онанинг сийдик ва репродуктив тизимларининг инфекцион - яллиғланиш касалликлари (пиелонефрит, хориоамнионит, эндометрит ва

бошқалар); хомила этуклиги, бронхиал дарахт ривожланиш нуқсонлари, хомила ичи гипоксияси, туғилишда асфиксия, мекониал аспирацияси катта рол ўйнайди. Эрта туғилиш, респиратор дистресс-синдроми (РДС), хомила гипоксияси ўпка тўқималарининг функционал, морфологик ва иммунологик этилмаслигига сабаб бўлиб, юқумли жараённинг ривожланишига олиб келиши мумкин.

Касаллик патогеннинг трансплацентар кириши ёки боланинг ўпкаларига амниотик суюқликлар кириш натижасида, уларни инфицирлаганда (эндометрит, хориоамнионит ва бошқалар билан касалланган), ва туғруқ йўлларидаги инфицирланган суюқликни аспирациясида ривожланади [1,3]. Дистал нафас йўлларида бактериялар ёки вирусларнинг кўпайиши ва улар билан боғлиқ яллиғланиш реакцияси газ алмашинувини бузадиган хужайра шикастланишига олиб келади, ўпкада қон айланишини ўзгартиради ва нормал нафас олиш механикасига тўсқинлик қилади. Альвеолаларнинг сиртки шикастланиши сурфактант таъсирига халақит беради, ўпка томирларидан суюқликнинг трансудациясига ёрдам беради, бу ўпка шишига ва охир-оқибат алвеолаларнинг коллапсига олиб келади. Бактериал парчаланиш маҳсулотлари ва хужайра элементларининг нафас йўлларида тўпланиши (нейтрофиллар, макрофаглар) яллиғланиш воситачилари таъсирида силлик мушакларнинг қисқариши билан биргаликда самарали вентиляцияни ёмонлаштиради ва ателектазнинг ривожланишига, "ҳаво тутқичлари" пайдо бўлишига ва кейинчалик вентиляция ва перфузияни мос келмаслигига олиб келади. Фаоллашган эндотелиал хужайралар ва тромбоцитлар томонидан чиқариладиган яллиғланиш прокоагулянтлар ва вазоконстрикторлар ўпкада қон томир қаршилиги кучайтиради, ўпка артериясида босимнинг ошишига олиб келади. Сурфактант этишмовчилиги кучаяди [8,9]. Бу ўзгаришлар гиперкапния, гипоксемия, аралаш ацидоз ва гипоксия ривожланишига сабаб бўлади. Гипоксия, ацидоз кучайиши ва микроциркуляция бузилиши натижасида жуда тез кўп аъзолар этишмовчилиги ривожланади, дастлаб юрак - нафас, кейин бошқа органлар.

2.3. Касаллик таснифланиши (1 иловада кўрсатилган)

Туғма пневмониялар таснифланади:

- *пайдо бўлиш вақти бўйича:* хомила ичи (туғма, ҳаётнинг дастлабки 72 соатида ўзини намоён қилган) ва неонатал (эрта ва кеч);

Этиологияси бўйича: вирусли, бактериал, паразитар, замбуруғли, аралаш;

- *Жараённинг тарқалиши бўйича:* фокал, сегментар, лобар, бир томонлама, икки томонлама;

- *Жараённинг оғирлиги бўйича:* енгил, ўртача, оғир;

- *Кечиши бўйича:* ўткир, субакут, чўзилган

2.4. Клиник кўриниши

Туғма пневмониянинг дастлабки клиник белгилари ўзига хос эмас. Кўрик вақтида инфекцион токсикознинг умумий белгилари аниқланади: терморегуляциянинг бузилиши (беқарор тана ҳарорати ($\geq 38,50\text{C}$ ёки $\leq 36,00\text{C}$)), терининг "мармарсимон", кулранг ва/ёки терининг оқиш бўлиши, ҳаяжон ёки овқатланиши билан кучаядиган периорал цианоз ва/ёки акроцианоз, тўқималарнинг тургори пастлиги, сўриш рефлексининг пасайиши ёки йўқлиги, овқатланишдан бош тортиш, сустлик, мушакларнинг гипотонияси ёки аксинча, нейрорефлектор кўзгалувчанликни кучайиши, тахикардия > 180 зарба/дақ, юрак товушларининг бўғиклиги, қоринни дамлиги; энтерал озикланишга нисбатан мурасасизлик; Нафас этишмовчилиги белгилари: нафас олиши тезлашиши (дақиқада >60) ёки апное эпизодлари (нафас олишда пауза > 20 с), кўкрак қафасининг эгилувчан жойларининг тортилиши, бурун қанотларининг ерилиши, экспиратор нола (грантинг), брадипноэ; кўкариши, қонда кислород сатурациясининг тушиб кетиши, оғиздан кўпикли ажралма чиқиши мумкин. Аускултацияда нафас олишнинг суслashiши, турли ўлчамдаги хириллашлар, крепитациялар эшитилиши мумкин.

2.5. Муддатидан олдин туғилган чақалоқларда туғма пневмония клиникасининг хусусиятлари

- Интоксикация ва нафас олиш этишмовчилиги белгилари устунлиги.
- Марказий асаб тизимининг сустлиги, летаргия, адинамия, регургитация, қусиш ва вазн йўқотиш.
- Нафас олишда аритмия, апное хуружлари ва даврий Чейне-Стокес нафасини кузатилиши
- Гипотермияга мойиллик
- Пневмония кўпинча ҳомила доимий фетал қон айланиши синдроми, периферик қон айланишининг бузилиши билан мураккаблашиши.
- СДР-пневмония-сепсис кўринишда кўпинча бўлиши.
- Пневмониянинг бошқа касалликлар билан бирга келиши: интракраниал қонашлар, энтероколит.
- Асoratларнинг юқори частотаси: ДВС синдром, буйрак ости безлари этишмовчилиги ва бошқалар.

2. КАСАЛЛИКНИ ТАШХИСЛАШ

Ташхисни тасдиқлаш учун иккита мезон гурухи қўлланилади: **асосий ва ёрдамчи**.
Туғма пневмония ташхиси асосий ва/ёки 3 ёки undan кўп ёрдамчи ташхислаш белгилари аниқланган тақдирда тасдиқланиши мумкин.

3.1. Туғма пневмония ташхисини қўйиш мезонлари

Ташхисни тасдиқлаш учун рентгенологик ўзгаришлар ва/ёки клиник ва лаборатор маълумотларининг мавжудлиги талаб қилинади. (1 жадвал).

Туғма пневмониянинг асосий диагностик мезони:

Кўкрак қафаси органлари рентгенографиясида инфильтратив ва ўчоқли сояларнинг бўлиши (**ИД 1А**).

- рентгенограммада ўпка тўқималарининг шаффофлигининг икки томонлама пасайиши, асосий ҳаво йўлларида ҳаво ҳосил бўлган рентген шаффоф зоналар (ҳаво бронхограммалари) мавжудлиги

- ўчоқли, ўчоқли-конфлуент ёки сегментар характерли гомоген инфильтратив ўзгаришлар типик патогенлар (пневмококк ва бошқалар) келтириб чиқарадиган пневмония ҳақидаги клиник тахминни тасдиқлашга имкон беради, ва кичик бир ҳил бўлмаган инфильтратлар, уларнинг икки томонлама локализацияси, томир-интерстициал нақшининг кучайиши, қоида тариқасида, касалликнинг атипик этиологияси (микоплазмоз, пневмококкоз) фойдасига гувоҳлик беради.

- ўпка ҳажми нормал, плеврал суюқлик бўлиши мумкин

- ўкастлар ассиметрик ва маҳаллийлаштирилган

- стафилококкли пневмонияда ҳаво билан тўлдирилган бўшлиқлар (буллалар) топилади.

Туғма пневмониянинг ёрдамчи ташхислаш мезонлари:

Қуйидаги жадвал туғма пневмониянинг ёрдамчи ташхислаш мезонлари сифатида ишлатилади. Камида иккита клиник ва битта лаборатор белгиси мавжудлиги болада инфекцион жараённинг борлигини кўрсатади.

Жадвал 1. 44 ҳафта постконцептуал ешидан кичик болаларда инфекцион жараённи кечишининг клиник-лаборатор белгилари.

Инфекциянинг клиник белгилари
Респиратор бузилишлар: <ul style="list-style-type: none">• Апноэ эпизодлари (нафас олишда пауза >20 с) ва/ёки <ul style="list-style-type: none">• Тахипноэ эпизодлари

<p><i>ва/ёки</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Кислородга мухтожлиги ошиши • Респиратор қўллаб қувватлашга эҳтиёж
<p>Юрак қон томир этишмовчилигининг кўринишлари :</p> <ul style="list-style-type: none"> • брадикардия <p><i>ва/ёки</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • тахикардия • бошқа ритм бузилишлари • артериал гипотензия • тери қопламлари мармарсимонлиги • қон айланишнинг централизацияси тери перфузияси бузилишлари билан и кожи (“оқ доғ” симптоми 3 сек кўп)
<p>Тана харорати ўзгариши:</p> <ul style="list-style-type: none"> • тана харорати 36° С кам ёки гипертермия 38,5°С дан юкори; <p><i>ва/ёки</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • тана харорати беқарорлиги
<p>Буйрак этишмовчилиги намоён бўлиши</p> <ul style="list-style-type: none"> • ҳаётнинг биринчи кунда диурезнинг соатига 0,5 мл/кг дан, ҳаётнинг биринчи кундан каттароқ ёшда соатига 1 мл/кг дан кам бўлиши.
<p>Тери ва тер ости ёғ қатламлари ўзгаришлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Тери қопламларининг ранги кулранг • склерема
<p>Ошқозон-ичак трактининг томонидан намоён бўлиши:</p> <ul style="list-style-type: none"> • овқатнинг хазм бўлмаслиги • қорни дам бўлиши • аускултацияда перистальтиканинг сустлашиши ёки йўқлиги
<p>Неврологик кўринишлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • сустлик • гипотония • гиперестезия • безовталиқ • талваса синдроми
<p>Бошқа кўринишлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • 1 чи суткалардан плеврал бўшлиқларда суюқлик бўлиши • эрта бошланган сариқлик • гепатомегалия, спленомегалия • биринчи суткаларда болада бошқа йиринг– яллиғланиш учоқлар бўлиши
<p style="text-align: center;">Инфекцион жараённи лаборатор белгилари</p>
<p>Лейкоцитлар сони:</p> <ul style="list-style-type: none"> • лейкопения 5x10⁹ /л дан кам ёки • ҳаётнинг 1-2-кунларида лейкоцитоз 30 x10⁹/л дан, 3-7-кунларида 20 x10⁹/л дан ортиқ.
<p>Нейтрофиллар абсолют сони:</p> <ul style="list-style-type: none"> • нейтрофез 20 x10⁹ /л дан кўп

<ul style="list-style-type: none"> • нейтропения <p>Ёш шаклларни нейтрофилларнинг умумий сонига нисбати (нейтрофил индекси): 0,2 дан ортиқ</p>
<p>Нейтрофиллар морфологиясининг хусусиятлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • токсик донадорлик • вакуолизация • Долли таначаларининг пайдо бўлиши (ситоплазмадаги базофил жойлар)
<p>Тромбоцитопения</p> <ul style="list-style-type: none"> • 150×10^9 /л дан кам
<p>Яллигланиш маркерларининг миқдори ошиши:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қондаги СРО даражасининг ошиши • ҳаётнинг дастлабки 72 соатида прокальцитонин (ПСТ) $\geq 2,5$ нг/мл <p>Метаболик ацидоз:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Қон зардобидида лактат 2 ммол/л дан ортиқ бўлиши
<p>Плацента текшируви: плацентадаги ўзгаришлар, масалан, дещедуит, фунизит, плацента тўқималарининг инфильтрацияси чақалоқда билвосита юқумли жараён амалга ошишини кўрсатиши мумкин ва чақалоқда пневмонияни ташхислашда қўшимча омил ҳисобланади (чақалоқларни парвариш қиладиган муассасаларни даволаш даражасига қараб).</p>
<p>Камида икки марта қайд этилган глюкоза интолерантлиги эпизодлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • гипогликемия 2,6 ммол/л дан кам • гипергликемия 10 ммол/л дан ортиқ
<p>Клиник сийдик таҳлилида яллигланиш белгилари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • кўриш соҳасида 10-15 дан ортиқ лейкоцитурия билан биргаликда бактериурия ва протеинурия (оксил миқдори 0,2 мг/л дан ортиқ) - 48 соатдан кейин

1.2 Анамнез:

Анамнестик маълумотлар (хавф омиллари) эрта неонатал сепсис хавф омилларига тенг **(ИД 3 В):**

- онада туғруқдаги инфекция жараён.
- онани туғруқ йўллари В гуруҳ стрептококклар билан колонизацияланиши (хомиладорликнинг 35-36 ҳафтасида)
- муддатидан олдинги туғруқ
- қоғоноқ сувларни барвақт кетиши (сувсизлик даври 18 соатдан ортиқ)
- туғруқ даврида онани тана харорати 38°C дан ошиқ кўтарилиши
- онада ушбу хомиладорликда бактериурия
- хорионамнионит
- плацента структураси ўзгариши

- хомила КТГ сани ўзгариши: фетал дистресс белгилари бўлиши
- кам вазнли хомила
- чўзилувчан туғрук
- мемраналар ёрилгандан сўнг тез-тез қин текширувлари
- туғрукдан олдин меконеал аспирация
- хомила ва чақалоқда жаррохлик даволаш

3.3. Жисмоний текширув

Нафас этишмовчилиги бор ва туғма пневмонияга шубҳали чақалоққа визуал терапевтик текширув **тавсия этилади (ИД 3С)**

Барча клиник кўринишлар носпецифик ва улар чақалоқларда нафас олиш тизимининг бошқа касалликлари фонида кузатилиши мумкин, шунинг учун туғма пневмонияни ташхислашда инфекция жараёнининг хавф омиллари, рентгенологик ва лаборатор текширувлари катта аҳамиятга эга.

Умумий қабул қилинган **клиник шкалалар** (Силверман-Андерсен, Даунс) ёрдамида нафас этишмовчилиги даражасини баҳолаш тавсия этилади. **(ИД 2В)**. Туғма пневмония билан эрта туғилган чақалоқларда нафас олиш бузилишининг оғирлигини клиник баҳолаш Силверман шкаласи, муддатда туғилган чақалоқларда - Даунс (Downes) шкаласи ёрдамида амалга оширилади **(1 иловада кўрсатилган)**.

2.4.Лаборатор ташхислаш текширувлари

- Туғма пневмонияга шубҳа қилинган чақалоқнинг **қонини** микробиологик (маданий) текширувдан ўтказиш, патогенни аниқлаш ва антибактериал терапия тактикасини билиш учун ажратилган флоранинг антибиотикларга сезгирлигини аниқлаш тавсия этилади **(ИД 3С)**.
- Туғма пневмонияга шубҳа қилинган чақалоқ трахея интубацияси ўтказилганда **балғамини** аэроб ва анаэроб микроорганизмларга, замбуруғларга микробиологик (маданий) текширувдан ўтказиш ва антибактериал терапия тактикасини билиш учун ажратилган флоранинг антибиотикларга сезгирлигини аниқлаш тавсия этилади **(ИД 3С)**.
- Туғма пневмонияга шубҳа бўлган янги туғилган чақалоққа лейкоцитлар сонини дифференциал санаш билан **умумий қон тахлили** қилиш, яллиғланиш ўзгаришларини аниқлаш учун нейтрофиллар индексини ҳисоблаш, туғма пневмония ташхиси бўлмаганда 48-72 соат ичида такрорий ва антибактериал терапияни бекор қилиш ёки узайтириш

тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадда антибактериал терапия курси охирида таҳлил қилиш тавсия этилади. **(ИД 3В).**

- Қонда **С-реактив оксил (СРО)** миқдорини ҳаётнинг 6 соатидан кечиктирмасдан текшириш тавсия этилади. **(ИД 2В).**

***Шарҳлар:** Агар боланинг ҳаётининг биринчи кунда таъхис қўйиши қийин бўлса, СРО даражасини аниқлаш ва клиник қон таҳлили 48 соатдан кейин такрорлаш тавсия этилади. РДС салбий яллиғланиш белгилари ва салбий қон микробиологик тестлари билан тавсифланади. СРО даражасининг ортиши тўлиқ туғилган чақалоқларда инфекциянинг дастлабки белгисидир, эрта туғилган чақалоқларнинг қонида унинг концентрацияси ва улардаги инфекцион патологиянинг мавжудлиги ўртасидаги ўхшаш боғлиқлик аниқ исботланмаган.*

Муайян тиббий ташкилотнинг имкониятларига қараб бошқа яллиғланиш белгиларидан кўшимча фойдаланиш ҳам қабул қилинади (**прокальцитонин, пресепсин, интерлейкин - 6 ни қондаги миқдори**). Турли хил яллиғланиш белгиларининг комбинацияси инфекцион ҳолатни аниқлашнинг диагностик имкониятини оширади.

- Нафас етишмовчилиги бўлган янги туғилган чақалоқда гипоксияни, метаболик бузилишларни баҳолаш мақсадда **кислота-ишқор балансини, лактат миқдорини, глюкозани** аниқлаш, кейинги респиратор терапияси тактикасини ва параметрларни созлаш учун кислота-ишқор балансини ва қон газларини такрорлаш тавсия этилади. **(ИД 3С).**

2.5. Инструментал ташхислаш текширувлари

- Нафас олиш бузилишлари бўлган барча янги туғилган чақалоқларга ўпка тўқималаридаги ўзгаришларни баҳолаш ва туғма пневмонияни ташхислаш учун **кўкрак қафаси рентгенографиясидан** ўтиш тавсия этилади [1,3,17,19,41,45,81,82]. **(ИД 1А)**

***Шарҳлар:** Туғма пневмония таъхисини қўйиши мезонлари бўлимига ўтинг.*

- Нафас олиш бузилишлари бўлган янги туғилган чақалоқларга ўпканинг туғма нуқсонлари, сурфактант оксилларининг туғма этишмовчилиги билан дифференциал ташхислаш учун **кўкрак қафасининг селектив компьютер томографияси** тавсия этилади. **(ИД 3В)**
- Туғма пневмония билан оғриган янги туғилган чақалоққа туғма пневмония асоратларини аниқлаш учун **нейросонография, эхокардиография (Эхо-КГ), қорин бўшлиғи органларининг ультратовуш текшируви (комплекс), буйрақлар ва буйрак усти безларининг ультратовуш текширувидан** ўтиш тавсия этилади (тиббий муассасанинг техник имкониятларига қараб). **(ИД 3В).**

Шархлар: Турли органлар ва тизимларнинг хамроҳ бузилишларида нейросонография (НСГ), эхокардиография (Эхо-КГ), қорин бўйлиги, буйраклар ва буйрак усти безларининг УТТСини ўтказиш симптоматик терапияни ўз вақтида тайинлашга ва коррекциялашга ёрдам беради.

- Туғма пневмонияли чақалоқда юрак фаолиятида бирон бир ўзгариш бўлса: аритмия, оғир бради- ва тахикардия, ва бошқалар, юрак ритмини бузилишлари табиатини аниқлаш мақсадда **электрокардиография** қилиш тавсия этилади
- Нафас олиш бузилишлари бўлган чақалоқда пневмониянинг белгиларини аниқлаш мақсадда **ўпканинг селектив ультратовуш текширувини** малакали мутахассис иштирокида ўтказиш тавсия этилади **(ИД 2В)**

Шархлар: пневмониянинг ультратовуш белгилари зичлиниши ва ҳаво бронхограммаси динамикаси, В-чизиқлари ва плеврал суюқлик билан кўриниши, аномал плевра чизиқлари ва ўпканинг сирпанишининг пасайиши кузатилиши мумкин. *Мета-таҳлил натижаларига кўра, ўпканинг ультратовуш текшируви рентген текширувидан кўра аниқроқ усул ҳисобланади.*

- Нафас олиш бузилишлари бўлган чақалоқда симптоматик ва этиотроп терапияни ўз вақтида қўллаш учун **асосий кўрсаткичларни** ноинвазив мониторинг, айниқса, респиратор терапиясига мухтож бўлган чақалоқларда қилиш (ЮУС, НОС, қон босими, SpO₂, тана ҳарорати, диурез) тавсия этилади **(ИД 3С).**

2.6. Касалликни дифференциал ташхислаш

- Чақалоқлар транзитор тахипноэси.
- Респиратор Дистресс Синдроми.
- Эрта неонатал сепсис.
- Меконеал аспирация синдроми.
- Аспирациянинг бошқа турлари (қоғоноқ сувлари, қон, сут билан).
- Ҳаво оқиши синдроми.
- Чақалоқлар доимий ўпка гипертензияси.
- Ўпканинг туғма ривожланиш нуқсонлари (кистозли аденоматоз, ўпка аплазия, гипоплазияси ва бошқалар).
- Туғма диафрагмал чурраси.
- Туғма юрак нуқсони.
- Экстрапульмонар генезли нафас бузилишларнинг бошқа сабаблари.

3. ТУҒМА ПНЕВМОНИЯНИ ДАВОЛАШ.

Чақалоқларни туғма пневмония билан даволаш шифохона шароитида амалга оширилади. Агар туғма пневмониянинг клиник белгилари пайдо бўлса, янги туғилган чақалоқнинг ахволининг оғирлигига қараб чақалоқлар реанимация ва интенсив терапияси бўлимида (ЧРИТ) / интенсив терапия палатасида (ИТП) ёки чақалоқлар патологияси бўлимида (ЧПБ) даволанади.

4.1. Номедикаментоз даволаш

Номедикаментоз даволаш - чақалоқларни парвариш қилиш учун мақбул шароитлар яратиш ўз ичига олади:

- Чақалоқни қўллаб қувватловчи парвариши: оптимал харорат режими, гипотермия профилактикаси, шифохона ичи инфекциялари профилактикаси, чақалоқ парваришига онани жалб қилиш, болани холатини тез тез ўзгартириб туриш, эркин йўргаклаш.
- Хар 3 соатда нафас етишмовчилиги даражасини баҳолаш билан бирга асосий хаётий кўрсаткичларни мониторинг (тана харорати, нафас олиш сони (НОС), юрак уриш сони (ЮУС), қонни кислородга тўйинганлик даражаси (SpO₂)) қилиш.
- Озиқлантириш усули боланинг аҳолига қараб белгиланади: нафас олиши ва гемодинамикаси барқарорлашгунга қадар парентерал озиқлантириш, сўнгра қисман парентерал, кейин эса энтерал овқатланишга ўтиш.
- Ҳаво йўллариининг ўтказувчанлигини таъминлаш: чуқур аспирациядан қочган холда балғамни сўриб олиш, кўкрак қафасининг юмшоқ тебратиш ва перкуссия қилиш, нафас йўллариининг қуюқ таркиби балғам учун аэрозол муколитикларини қўллаш.

4.2. Медикаментоз даволаш:

Туғма пневмонияни даволаш бир вақтнинг ўзида бир нечта йўналишдаги чоратadbирларни ўз ичига олиши керак.

- **Этиотроп терапия** – касалликнинг қўзғатувчисига бевосита таъсир қилиш
- **Патогенетик терапия** – нафас етишмовчилигини даволаш;
- **Симптоматик терапия** - метаболик бузилишларни, орган ва тизимлар етишмовчилигини коррекция қилиш.

4.2.1. Этиотроп терапияси (2 иловада берилган).

Туғма пневмония ёки туғма пневмонияга шубҳа қилинган чақалоқларда асосий этиологик даволаш учун **антибактериал терапия** тавсия этилади. **(ИД 1В).**

Шарҳлар: *Туғма пневмония ривожланишига шубҳа қилинганда антибактериал терапия (АБТ) туғилгандан кейин имкон қадар тезроқ нафас олиш бўзилишлари бўлган болаларнинг қуйидаги тоифалари учун кўрсатилади: жуда кам ва экстремал кам вазнли (ЖКВБ, ЭКВБ) беморлар, шунингдек туғилганидан инвазив респиратор терапиясини талаб қиладиган чақалоқлар. АБТни туғилгандан кейин 2 соатда кечиктирмасдан бошлаш афзалроқдир. Бошланғич схеманинг дори-дармонларни биринчи юборилиши бир вақтнинг ўзида амалга оширилади. Туғилганда оғирлиги 1500 г дан ортиқ бўлган чақалоқларга АБТ кўрсатмаларга кўра дастлабки клиник ва лаборатор текшируви натижаларига кўра буюрилади*

АБТнинг давомийлиги ва тактикаси ҳар бир ҳолатда алоҳида белгиланади ва боланинг аҳволининг оғирлигига ва клиник - лаборатор маълумотларининг нормаллашувига боғлиқ. Антибиотикотерапиясини бекор қилиш ёки кучайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун яллиғланиш белгиларини кузатиш билан клиник ва лаборатор текшируви ўтказилади. Яллиғланиш белгилари ва клиник қон таҳлиллари даражаси нормаллашганда, АБТ тўхтатилади. Ахволи яхшиланиши ва лаборатор маълумотлари билан ўпка нақшларининг кучайиши ва гиповентиляция жойлари кўринишидаги қолдиқ рентгенологик ўзгаришларнинг давом этиши терапияни давом эттириш учун кўрсатма эмас.

- Агар пневмониянинг сабаби клиник ва лаборатор маълумотларига кўра ноаниқ бўлса, даволаш пенициллинлар ёки ярим синтетик пенициллинларни гентамицин билан томир ичига юбориш билан бошланади. Клавулан кислотасининг ичак деворига, айниқса, эрта туғилган чақалоқларда мумкин бўлган салбий таъсири туфайли амоксициллин + клавулан кислотаси бўлган препаратларни буюриш тавсия этилмайди.

- Агар даволаниш 48 соат ичида кутилган натижани бермаса ёки боланинг аҳволи ёмонлашса, аминогликозидлар билан биргаликда учинчи авлод цефалоспоринларига ўтинг.

- Аспирацион синдроми фонида ривожланадиган пневмония учун этиотроп терапия анаэроб флорани босадиган антибактериал дориларни ўз ичига олиши керак (монотерапия сифатида ҳимояланган аминопенициллинлар ёки карбапенемларни ўз ичига олган комбинацияга афзаллик берилади).

- Хламидия ва микоплазма сабаб бўлган пневмониянинг этиотроп терапияси макролид антибиотиклари билан томир ичига инфузиялар шаклида (азитромицин, эритромицин) амалга оширилади.

- Содда герпес вируси келтириб чиқарадиган пневмония учун ацикловир билан даволаш амалга оширилади: вена ичига 20 мг/кг дозада ҳар 8 соатда, курс давомийлиги 21 кун. **(ИД 2А)**

Антибиотикограмма натижалари олингандан сўнг даволаниш коррекция қилинади.

4.2.2. Патогенетик асосланган интенсив терапия

- Нафас олиш бузилишлари бўлган муддатидан олдин туғилган чақалоқларга алвеоляр нафас олишни яхшилаш, респиратор қўллаб-қувватлашга бўлган эҳтиёжни ва кислородга бўлган эҳтиёжни камайтириш учун туғилиш вазнидан қатъий назар, кўрсатмаларга мувофиқ **ўпка сурфактант препаратларини** юбориш тавсия этилади **(ИД 1А)**

***Шарҳлар:** Ҳўпка сурфактантларни туғма пневмония билан асоратланган РДС бўлган эрта туғилган чақалоқларда қўлланилиши мумкин, аммо юқори доза ёки қабул қилиш частотаси талаб қилинади.*

- Респиратор терапияни туғруқ зали шароитида бошлаш тавсия этилади **(ИД 1В)**

***Шарҳлар:** Респиратор терапия чақалоқларда, шу жумладар, туғма пневмонияли чақалоқларда нафас бузилишларини даволашда асосий йўналиши ҳисобланади.*

- Туғма пневмонияли ва кислородга тобе чақалоқларга нафас етишмовчилигини даволаш ва ўпканинг зарарланишини олдини олиш мақсадда **ноинвазив респиратор терапиясини** (NIPPV, CPAP) ўтказиш тавсия этилади. **(ИД 1А)**

- Нафас олиш етишмовчилиги бўлган чақалоқларда ноинвазив респиратор терапияси муваффақиятсиз бўлса, нафас етишмовчилигини даволаш учун **инвазив сунъий ўпка вентиляцияси** (СЎВ) тавсия этилади. **(ИД 1А)**

***Шарҳлар:** Инвазив СЎВ давомийлигини минималлаштирилиши керак. Нафас олиш ҳажмини назорат қилиш билан СЎВни амалга ошириши керак, бу унинг давомийлигини камайтиради ва БЎД ва бош миёда қоринчалар аро қон қуйилиши (ВЖК) каби асоратларни камайтиради. Чақалоқларда ушбу турдаги респиратор терапиясини муваффақиятли қўллашнинг зарурий шарти қоннинг газ таркибини мунтазам равишда кузатиб бориш имкониятидир. СЎВ даги чақалоқларга селектив седация ва аналгезия ўтказилади. Анъанавий СЎВ самарасизлиги юқори частотали осциллятор ўпка вентиляцияга (ЮЧОЎВ) ўтиш учун кўрсатма ҳисобланади. ЮЧОЎВ да алвеоляр ҳажмнинг барқарорлашуви туфайли ателектазнинг камайиши, газ алмашинуви майдонининг ошиши ва ўпка қон оқимининг яхшиланиши кузатилади. Тўғри олиб борилган*

терапия натижасида вентиляция-перфузия нисбати адекват бўлади, бу ўпкада газ алмашинувининг яхшиланишига олиб келади.

- Туғруқ залида чақалоқларга бирламчи ва реанимацион ёрдам кўрсатганда ЮОС ва SpO₂ кўрсаткичларни пульсоксиметрия усули билан мониторинг қилиш **(ИД 1В)**.

4.2.3. Симптоматик терапия. (3 ilovada berilgan)

Симптоматик терапия инфекцион касалликнинг клиник кўринишига қараб дори-дармонларни қабул қилишни ўз ичига олади (антигеморрагик, гемостатик, антиконвулсант, седатив, кардиотоник, вазопрессор, ҳажмни кенгайтирувчи терапия). Туғма пневмония билан оғриган чақалоқ учун суюқлик ва электролитлар билан таъминлаш, физиологик эҳтиёжлар ва патологик йўқотишлар асосида оксиллар, ёғлар ва углеводларни тўлдириш ва организмнинг сув-электролитлар мувозанатини сақлаш учун селектив инфузион терапия ва парентерал озиклантириш тавсия этилади **(ИД 5С)**

Инфузион терапиянинг **асосий тамойиллари**:

